

TA'LIM TIZIMIDA MULTIMEDIALI O'QUV KURSLARINI YARATISH VA FOYDALANISH

СОЗДАНИЕ И ИСПОЛЬЗОВАНИЕ МУЛЬТИМЕДИЙНЫХ КУРСОВ В СИСТЕМЕ ОБРАЗОВАНИЯ

**Samarqand iqtisodiyot va servis instituti Axborot texnologiyalari kafedrasи o'qituvchisi.
Karimov T.X.**

**Самаркандский институт экономики и сервиса, кафедра информационных
технологий, преподаватель. Каримов Т.Х.**

Аннотация. Ушбу мақолада таълим тизими мултимедиали воситалар ёрдамида талабаларни ўқитишининг афзалликлари, мутимедианинг техник воситалари, ахборот технологияларининг ривожланишининг таълим жараёнига таъсири ва натижавийлигига доир фикрлар юритилган. Ахборот коммуникация технологиялари таълим жараёнига жорий етилгандан сўнг мултимедиа воситаларидан фойдаланиш сезиларли даражада ошди. Медиа таълим воситалари таълим муассасалари томонидан кенг қўлланилади. Ушбу ўрганиш усули кенг тушунчаларни тушунишни осонлаштиради ва фойдаланувчиларга уларни анъанавий ўқитиш усулларига қараганда камроқ вақт ичидаги ўрганиш имконини беради. Мултимедианинг енг мухим хусусияти интерфаоллик- ахборот мухитида ишлаш жараёнида фойдаланувчига таъсир ўтказа олишга қодирлик ҳисобланади.

Калит сўзлар: мултимедиа, дидактика, моделирование, метод, таълим соҳаси, ахборот технологиялари, компьютер, динамик образ, видео ёзув, виртуал лаборатория, графика, анимация, видео, реал воқеа, мултимедиали таълим дастурлари, компьютерли мухит, виртуал стенд.

Абстрактный. В данной статье рассматриваются преимущества обучения студентов с использованием мультимедийных средств в системе образования, влияние мультимедийных технических средств, развитие информационных технологий на учебный процесс, их эффективность.

Ключевые слова: мультимедиа, дидактика, моделирование, метод, область образования, информационные технологии, компьютер, динамическое изображение, видеозапись, виртуальная лаборатория, графика, анимация, видео, реальное событие, мультимедийные образовательные программы, компьютерная среда, виртуальный стенд.

Таълим соҳасидаги барча ислоҳотларнинг асосий мақсади маънавий жиҳатдан мукаммал ривожланган инсонларни тарбиялаш, таълим тизимини такомиллаштириш, дарс жараёнларини янги педагогик ва ахборот технологиялари асосида ҳар томонлама замон талабига мос равища амалга оширишдан иборатdir. Шунинг учун ҳам бугунги кунда таълим - тарбия тизимида компьютер ва ахборот технологияларининг замоновий технологияларидан самарали фойдаланишга алоҳида ёътибор берилмоқда. Бу еса таълим жараёнида ўқувчиларга турли фанлардан билим берувчи педагог кадрларни ахборот технологияларининг замонавий воситалаларидан фойдаланишлари учун, енг аввало бу соҳадаги билим ва малака даражаларини ошириш, таълим тизимини техник жиҳатдан таъминлаш, интернетдан фойдаланиш имкониятларини тўла яратиб бериш орқалигина самарали натижага еришиш мумкин.

Таълим тизими сифати ва самарадорлигини оширишнинг асосий усулларидан бири ўқув жараёнида замонавий ахборот коммуникацион технологияларни, шу жумладан мультимедияли ўқув курсларини қўллаш, ўқитувчи ва ўқувчининг интерфаол ўзаро алоқаларини таъминлаш, мультимедиали ўқув курслари ва дарсликларини ишлаб чиқишида юқори малакали кадрларни жалб етишдан иборат бўлади. Мультимедиа ахборотларни ҳар хил кўринишларда тасвирлаш ва динамик образларини яратиш, уни кўриш ва ешитиш органлари орқали қабул қилиш ва тасаввур етиш имкониятларини яратади. Мультимедиа технологияларида анъанавий технологияларга қараганда ахборотлар матн кўринишда емас, балки тасвир, овоз ва ҳаракатлар кўринишида ифодаланилиши ўқувчиларни дарсларда фаолроқ, дикқатлироқ интилевчан ва қизикувчан бўлишга ўргатади, чунки тавсия қилинадиган ҳар бир ахборот уларнинг иштироки ва ҳаракати орқали амалга оширилади.

Ахборот технологияларининг жадал ривожланиши таълим фаолиятида ўзгаришларга олиб келди. Компьютерлар ва интернет таълимда дарсликлардан интерфаол фойдаланиш ва мультимедиа дастурларини қўллаш, турли хил ўрганиш услубларига ега бўлган ўқувчилар учун визуал ва ешитиладиган тарзда бойитилган електрон материаллар тақдимотини осонлаштиради. Айтиш мумкинки компьютерли муҳитда ўрганиш, индивидуал ўрганиш тезлигига қўпроқ мос келади ва еслаб қолишга ёрдам беради.

Сўнги йилларда ўқитиши муҳитида тез-тез қўлланадиган ахборот ва ўқув манбаларидан бири мультимедиа ресурслариdir. Мультимедиа кўп ҳис-туйғуларни жалб қилиш учун яратилган. Мультимедиали таълим муҳити ўрганишни осонлаштиради ва оширади. Компьютер муҳитида мультимедиа технологиялари билан бойитилган реал ёки виртуал тасвирлар, матнлар, товушлар, графиклар ва расмлар малакали таълим дастурларини тайёрлашга ёрдам беради. Графика, видео, анимация ва овоз каби турли хил воситалар биргаликда тақдим етилганда ўрганиш муҳитида фарқлаш орқали ўрганишни осолаштиради ва ошириши мумкин деб ҳисобланади.

АКТ соҳасидаги ўзгаришлар ахборотни тақдим етиш, қабул қилиш алмашиш усулларини ҳам ўзгартириди. Електрон ўқув материаллари вақт ва ишлаш жиҳатдан кўп афзалликларга ега бўлсада, улар қайта-қайта фойдаланиш, осонлик билан алмашиш ва кўпайтириш имкониятини ҳам тақдим етади. Компьютер ва интернет билан ўзгарган ва ривожланишда давом етадиган таълим муҳитларида қўлланиладиган материаллар компьютер билан таълим муқаррар бўлиб қолди. Таълим ва ўқитиши жараёнида

Таълим тизимида мультимедиа технологиялари назарий, амалий, қўргазмали, маълумотли, тренажёри ва назорат қисмларини бирлаштириш ё‘ли билан ўқувчиларга ижобий ва самарали таъсир етuvchi восита ҳисобланади. Бундан ташқари таълим тизимида мультимедиали ўқув курсларидан фойдаланиш назарий материалларнинг намойишларини сифатли видео ёзувлари, виртуал лаборатория ишлари ва амалиётларни, турли жараёнларнинг имитацион анимацияли моделларини яратиш имконини беради, бу учун ўқувчиларнинг ўқув синфлари, компьютер синфлари, ўқитишининг техник воситалари хонасида, услубий хоналарда, кутубхоналарда амалий шуғуланишларини ташкиллаштириш лозим бўлади. Таълим тизимида фойдаланиладиган барча мультимедиали ўқув курслари амалий тадбиқдан ва тажрибадан ўтган бўлиши билан бирга, ўзига хос педагогик-психологик хусусиятларга ҳам ега бўлиши керак.

Мультимедиали ўқув курсларининг педагогик-психологик хусусиятлари билим ва кўнижмаларни шакллантириш учун фойдаланиладиган ўқув материалларининг тасвирланиш ҳамда ифодаланиш формасига ва кўринишига боғлиқ бўлади. Улар фақатгина мисол ва масалалар ечиш, амалий ва лаборатория машғулотларини бажариш жараёнидагина емас, балки

бутун ўқув жараёнида ўқувчиларни билим, малака ва кўникмаларини шакллантиришга қаратилиши лозим. Таълим тизимида яратилаётган мултимедиа ўқув курсларининг асосий хусусиятларидан бири, шу мавзуни ўрганишнинг маълум бир нозик жиҳатлари билан аниқланади, улар еса ўз навбатида катта сондаги кўргазмали материалларни талаб қиласди, чунки уларнинг иштирокисиз жонли дунёнинг турли туманлигини, уни қуришни зарурлигини, биологик, химик ва физика жараёнларнинг ҳосил бўлиш механизмини ва ривожланишини тўлиқ намойиш қилиб бўлмайди.

Мултимедиали компьютерлар сўз, мусиқа ва бошқа овозли маълумотлар ҳамда видео маълумотларни қабул қиласди ва улар устида ишлайди. Мултимедиа технологиялари таълим ривожланишининг кафолати ҳисобланади. Мултимедиа технологиялари таълим жараёнини бойитади, ўқув материали таълимий ахборотларни идрок етишни янада самаралаштириш имконини беради. Мултимедиа – бу замонавий ва дастурний воситалардан фойдаланиб, интерактив дастурний таъминот бошқаруви остида ўзаро визуал ва аудиосамара таъсиридан иборат. Гипермедиа – бу мултимедиали обектларда қўлланиладиган гиперматнли восталар билан боғлиқ компьютер файллари. Таълимни компьютер ва бошқа интернет-технологияларидан фойдаланиб ташкил етишда, турли афзалликлар билан бир қаторда, айрим камчиликлар ҳам мавжуд: бу алоқа линиялари билан боғлиқ муаммо бўлиши мумкин. Мазкур муаммоларни СД-РОМ ва ДВД дисклари деб аталадиган оптик компакт дисклар ёрдамида ҳал етиш мумкин.

Таълим жараёнида виртуал стендулардан фойдаланиш таълим сифати ва самарасини ошириб, сарф- харажатларни камайтирибгина қолмай, балки экологик тоза, хавфсиз муҳит яратилиши омили ҳам ҳисобланади. Мултимедиа стендулари воситасида ўқувчилар ҳар қандай ахборотни нафақат кўриб, балки ешитиб ҳам хотираларида сақлаб қолиши осонлашади. Таълим жараёнига замонавий мултимедиа технологияларининг жорий етилиши – таълим жараёнини ахборотлаштиришнинг истиқболли ё‘налишларидан биридир, ҳамда талабалар ва ўқувчиларни интелуктуал ривожлантириш ҳамда жамиятимизни ижтимоий – иқтисодий таракқий еттиришнинг муҳим шартидир.

Таълим тизими учун мултимедиали ўқув курсларини яратища шу соҳанинг асосий дидактик массалаларидан бири – ўқитиши моделилаштириш ва тасаввурлаш обектларига таъсири қилишнинг умумий методлари муҳим ўринлардан бирини егаллади. Мултимедиа ўқув курслари аввалги традисион ўқув қўлланмалардан кўп жиҳатлари билан фарқ қиласди. Шу жумладан, ўқув материалларини ўқувчиларга тавсия етиш мултимедиали: графика, анимасия, видео, овозли ва товушли ҳаракатлар, реал воқеа ва ҳодисаларни модельлаштириш каби бошқа кўплаб элементлар орқали амалга оширилади, чунки улар натурал обектлар ва кўргазмали қуролларнинг камчиликларини маълум бир миқдорда ёки тўлиқ қоплаш имконини беради. Бу еса ўқувчиларни ўрганаёт-ган мавзулар бўйича билим ва малакаларни шакллантиришда ва мустаҳкамлашда муҳим аҳамиятга ега бўлади. Чунки улар натурал обектлар ва кўргазмали қуролларнинг камчиликларини маълум бир миқдорда ёки тўлиқ қоплаш имконини беради. Мултимедиа ўқув курсларида ўқув материалларини тўлдирувчи ва унинг қабул қилиш даражасини оширувчи кўргазмали воситалари алоҳида жадваллар, график схемалар, расмлар ва бошқалардан иборат бўлган слайдлар, видеофайллар ва бошқа шунга ўхшаш кўргазмали назарий материаллар орқали тасвирланилиши мумкин. Мултимедиа ўқув курсларини яратища ва улардан фойдаланиш локал компьютер ва Интернет тармоғи кенг имкониятларни очиб беради. Мултимедиали ўқув курсларини бутун дуне компьютер тармоғига жойлаштирилиши, улардан ўқув жараёни фойдаланишда тўғридан-тўғри мурожоат қилиш, ўқувчиларга

ахборотларни топиш, излаш ва ўрганиш фаолиятини шакллантириш ва кенгайтириш имкониятларини яратади.

Хулоса қилиб айтганда, мультимедиа ўқув курсларини яратишида енг аввало турли дастурий воситалар билан яратиладиган интерфаол компоненталарга асосий еътиборни қаратиш лозим.

REFERENCES

1.Каримов Т.Х. Средства И Методы Инновационного Менеджмента Инновационными Стартапами. Министерство науки и высшего образования Российской Федерации ФГБОУ ВО «Удмуртский государственный университет» Институт экономики и управления технологическое и социальное предпринимательство. 21.11.2023 года Международной научно-практической конференции.

2. T. X. Karimov Improving Digital Platforms On The Public Procurement Market In The Modern Russian Economy. BEST JOURNAL OF INNOVATION IN SCIENCE, RESEARCH AND DEVELOPMENT ISSN: 2835-3579 Volume:02 Issue:07|2023 www.bjisrd.com

3. T. X. Karimov Development Status and Prospects of Telemedicine Technologies BEST JOURNAL OF INNOVATION IN SCIENCE, RESEARCH AND DEVELOPMENT ISSN: 2835-3579 Volume:2Issue:6|2023 www.bjisrd.com

4. T. X. Karimov Theoretical Aspect of Technologies of Teaching a Foreign Language as a Second Language. BEST JOURNAL OF INNOVATION IN SCIENCE, RESEARCH AND DEVELOPMENT ISSN: 2835-3579 Volume:2Issue:6|2023
www.bjisrd.com

5. Karimov Tolmasbek Xolmo'min o'g'li BARMOQ IZI YORDAMIDA DAVOMATNI ANIQLASH TIZIMI. IQTISODIYOT VA ZAMONAVIY TEXNOLOGIYA JURNALI, 2(1), 6–9. Retrieved from
<https://mudarrisziyo.uz/index.php/iqtisodiyot/article/view/201>

6.Б.Исабеков, С.Усмонов, “Таълим тизимида инновацион технологиялардан фойдаланиш ҳозирги замон аниқ технологик илмларни масалалари ва уларнинг ечимлари” Республика илмийамалий конференция, Нукус, 2018-й.